



2020 у « 13 » август

№ Қ-379

« » 20 г.

Музработ тумани “Навбахор” массиви худудидан “SURXON INERT STROY” МЧЖга “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан кум шағал аралашмасини қазиб олиш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87 моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш жараёнини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 июлдаги 546-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 01 июлдаги 05-02/377-сон йиғилиш баёни ва Музработ туман ҳокимининг 2019 йил 28 декабрдаги 01-36/408-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 01 июлдаги 05-02/377-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Музработ тумани “Навбахор” массиви худудидан “SURXON INERT STROY” МЧЖга туман ҳокимлиги заҳирасидан қишлоқ хўжалик харитасининг 124қ, 129қ, ва 132қ, дала контурларидаги 30,0 гектар яйлов ер майдони “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан кум шағал аралашмасини қазиб олиш” учун 2043 йил 24 январгача рухсат берилсин.

3. “SURXON INERT STROY” МЧЖ:

“Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан кум шағал аралашмасини қазиб олиш” учун рухсат берилаётган 30,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 57 962 592 (эллик етти миллион тўққиз юз олтимиш икки минг беш юз тўқсон икки) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010

СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами
(4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини;

ер қаридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни беҳатар ва белгиланган қоидаларга асосан олиб борилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Музработ тумани ҳокимлиги (Э.Алимов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонқулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**



Р.Пардаев